БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 43 (18.520). ● Якшанба, 1983 йил 20 февраль ● Баҳоси 3 тийин.

РУС ТИЛИ ЎҚИТУВЧИМ

Халқимизнинг устозларга бўлган ҳурмат-эҳтироми, меҳр-муҳаббати чексиз. Ҳатто устозни отадан ҳам ортиқроқ эъзозлайди. Бунинг боиси шундаки, устозлар энг масъулиятли вазифани адо этади — инсонни камол топтиради. Бугун бизнинг қалб сўзларимиз ана шу устозларнинг сараси, жаҳондаги энг илғор, революцион фикрнинг бевосита ифодачиси, инқилобий ҳаракатни илҳомбахш кучга айлантирган улуғ Ленин тили ўқитувчилари, бениҳоя бой ва ҳозир ҳам янада ҳайратомуз суръатлар билан бойиб бораётган улуғ рус тилининг мураббийларига аталгандир.

Рус тили инсоннятнинг барча донишмандларини азалдан ўзига мафтун қилиб келмоқда. Илмий коммунизм асосчиси К. Маркс мактубларидан бирида бундай деб ёзганди: «Ҳозир мен рус тилида равонгина ўқияпман. Менинг ёшимдаги кишининг классик герман ва роман тилларидан катта фарқ қиладиган тилни ўрганишга сарфлайдиган куч-гайратимга ачинмайман». Ингирмадан ортиқ тилни билган Ф. Энгельс рус тилини дунёдаги энг кучли ва бой жонли тиллар жумласига қўшган эди. У рус шеърияти қуёши Пушкининг дурдона шеърларини ёд билар ва бундан беҳад завқланарди. Буюк аллома олим Ломоносов «Рус тили табиий бойлиги, гўзаллиги ва кучи жиҳатидан бironта тилдан қолишмайди» деганида тамомила ҳақли эди.

Умумбашарий тил маданиятнинг буюк ютуғи бўлмиш рус тили ҳозирги вақтда замоннинг жаҳондаги энг катта тилларидан биридир. Унинг улуғлиги ва қудрати яна шундаки, доҳиимиз В. И. Ленин ўзининг ғоявий асарларини шу тилда ёзган, унинг ҳар бир асари эса фикрлар умумони, кураш ва мардлик мактаби, битмас-туганмас қаҳрамонлик ва ғалабалар манбандир. Бу тил дунёда биринчи социалистик революция тили бўлганлигини чуқур ифтихор билан эътироф қиламиз. Бу тил мамлакатимиздаги барча қондош, жондош халқларни ягона оилага бирлаштирувчи қудратли алоқа воситаси бўлди. Социалистик ва коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга ошираётган ҳозирги давримизда бу улуғвор вазифани эўр муваффақият билан ўтамоқда.

«Биз бир гуруҳ болалар ҳар куни Катта Фарғона ёқасида ўйнардик, — деб эслайди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Маҳмуджон Мўйдинов. — Узоқдан, канал бўйлаб велосипедини учириб келаётган оқ шойи кўйлакли, бошига бежирим дурра ўраган, ўттиз ёшлар чамасидаги аёлни кўрардигу, унинг истиқболига ошиқардик. Биз яқинлашгач, у велосипеддан тушиб, ҳаммамиз билан бирма-бир сўрашарди-да, бирталикда мактабгача гаплашиб борарди. Бу — бизнинг меҳрибон муаллимамиз, рус тили ўқитувчимиз Таисия Михайловна Иванова эди.

Қишлоғимизда уни билмаган, ҳурмат қилмаган киши йўқ эди десам янглишмайман. Рус тили муаллимамизнинг номи тилга олинганда кексалар «ўзимизнинг Таисяхонми!» деб дуо қилишарди. У ширинсуханлиги, одамохунлиги, ҳар қандай ишга дарҳол киришиб кета олиши, ўзбек тилини яхши билиши билан ана шундай обрў қозонган эди. У Қўқонда яшар, ҳар куни мактабга ўн олти километр йўл босиб велосипедда қатнашига қарамай, бирон кун дарсдан кеч қолганини эслолмайман. Муаллимамиз дарсларни гоят мароқли, қизиқарли ўтказар, Ульяновлар оиласи, улкан рус адиблари Пушкин, Горький, Маяковский ҳаёти ва ижоди ҳақида соатлаб ҳикоя қиларди».

Рус тили ўқитувчиси ҳақидаги бундай мароқли ҳикояни ҳар бир касб ва ёшдаги кишилардан эшитиш мумкин. Сиз суратда кўриб турган аёл Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги 75-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Татьяна Николаевна Абрамовадир. У ўн тўрт йилдан буён шу мактабда муттасил дарс бериб келмоқда. Ўз фанини чуқур билувчи бу мураббий болаларга рус тилининг бадиий тасвир имкониятлари бениҳоя чексиз, гоят ўткир, сержило эканлигини, унда қудратли куч ва латофат, мазмундорлик ва аниқлик, пишиқлик ва мусиқийлик, жонлилик ва образлилик, ихчамлик ва мулоимлик, жозибадорлик ва ширадорлик, назокат ва соддалик, пўндалик ва тушунарлилик, фусункор гўзаллик ва равонлик, чуқур халқчиллик узвий боғланиб, уйғунлашиб кетганлигини қунт билан тушунтиради. Дарс ўтиш жараёнида ҳозирги ёқилган текстдаги нотаниш сўзларнинг маъносини болаларга тушунтиради, ўқувчиларнинг тафаккурини активлаштиришда ўқитиш методикасининг хилма-хил воситаларидан кенг фойдаланади. Сўзларни тўғри талаффуз этишга алоҳида эътибор бериб, граммофон ва магнитофон ёзувларидан фойдаланади. Дарс кўргазмали бўлиши учун диафильмлар, слайдлар, махсус жадваллар ва суратлар кўрсатади. Луғат устида эринмай иш олиб боради. Шу боисдан ҳам у ўқитаётган синфларда ўзлаштириш юқори, ўқувчилар тилнинг энг нозик жиҳатларини ва хусусиятларини пухта эгаллаб олмоқдалар.

Бизда ёш авлод энг имтиёзли синф ҳисобланса, уларга билим беруvчи устозлар, шу жумладан рус тили ўқитувчиларининг болаларга фан асосларини чуқур ўргатишларига шунча катта эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан рус тилини ўрганиш соҳасида республикамизда олиб борилаётган ишлар диққатга сазоворлидир. Ўзбекистонда мамлакатимизда биринчилар қатори рус тилини ўқитиш етакчи фан сифатида биринчи синфдан то ўнинчи синфгача муттасил давом эттирилади. Эндиликда рус тили мактабгача тарбия ёшидан бошлаб ўргатилмоқда.

Тошкентда бундан ўнгирма йил муқаддам рус тили ва адабиёти республика педагогика институтининг ташкил этилганлиги ўқитиш сифатини яхшилашда муҳим омил бўлди. Институт миллий мактаблар учун рус тили ўқитувчилари тайёрлаб бермоқда. Ҳозир республикамизда рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрлаш иши 3 университетда, 14 педэгогика институтида ва 18 билим юртида амалга оширилмоқда. РСФСР, Украина, Москва, Киев, Ставрополь, Ворошиловград ва бошқа бир қатор марказий шаҳарларининг олий ўқув юртлари республикамиз учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаб бераётганлиги ҳам бу ишни яхши йўлга қўйишда муҳим роль ўйнамоқда.

Биз мамлакатимизда «яшаётган ҳар бир кишининг улуғ рус тилини билиш имкониятига эга бўлишига тарафдормиз» деб ўқтирган эди доҳиймиз В. И. Ленин. Бу васиятга амал қилган Ўзбекистон партия ташкилоти республикамиз барча меҳнаткашларининг иккинчи она тили бўлган рус тилини ўрганиш учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

«Республикалардан бironтасининг ҳозирги ютуқларига рус халқининг беғараз қардошларча ёрдамисиз эришиб бўлмас эди, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССРнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида. — Ҳар бир миллатнинг миллионмиллион кишилари турмушидан табиий ўрин олган рус тили мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида, ундаги барча миллат ва элатларни ўзаро яқинлаштиришда, уларни жаҳон цивилизацияси бойликларидан баҳраманд қилишда бениҳоя зўр аҳамиятга молик омил бўлиб хизмат қилмоқда».

Жаҳонга Лениндек буюк даҳони берган, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деб эталмиш жаҳонда биринчи социалистик давлат тимсолини яратган улуғ рус тилини қунт билан ўрганайлик, онгимизни, шуурримизни бойитиб, жаҳон маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлайлик. Бу — давр талаби, дил амридир.

СССР

⊙ МЕҲНАТ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУСОБАҚАСИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

⊙ РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОНЛАРИ ДОЛЗАРБ ПАЛЛА АРАФАСИДА

⊙ ИЛҒОРЛАРНИНГ НАМУНАЛИ ИШЛАРИ

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

МЕҲНАТ ЗАВҚИ

● Бувайда районидаги Киров номли колхоз сут-товар фермасининг Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари кавалери, сигир соғувчи Қумринисо Абдуллаева катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Пешқадам чорвадор хўжаликда энг юксак кўрсаткичларга эришди. Йилнинг ўтган бир ярим ойи ичида ўзига бириктирилган 30 бош сигирнинг ҳар биридан 600 клограммдан сут соғиб олди.

Йил охиригача у ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 5,5 минг килограммга етказишга қарор қилди.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ИБРАТИ

● Комсомолобод районидаги СССР 50 йиллиги номли кўриқ совхоз механизаторлари қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини мўлжалдагидан бир ой олдин тугалладилар. Барча ҳайдов тракторлари, сеялкалар, жўяк олувчи, текисловчи ва бошқа машиналар сифатли ремонтдан чиқарилди.

ЗАРБДОР РЕЙСЛАР

● Термиз портида хизмат қилувчи «Астрахань» теплоходи Ўрта Осиё пароходчилигида биринчи бўлиб икки ойлик юк ташиш топшириғини ошириб адо этди. Амударё кемачилари орасида мусобақа ташаббускори бўлиб чиққан мазкур кема коллективи йиллик планни СССР Конституцияси кунигача тўла адо этишга бел боғлаган.

СЎНГГИ СОАТДА

ИҒВОГАРЛИК ҚОРАЛАНДИ

▲ БОНН. ГФР ички ишлар министри Фридрих Циммерман билан Бавария бош министри, христиан-социал иттифоқ раиси Франц-Йозеф Штраус Европада урушдан кейин қарор топган территориал, сиёсий реалликларни шубҳа остига қўйган эдилар. Социал демократик партия парламент фракциясининг раиси Герберт Венер уларнинг иғвогарлик гапларини қоралаб чиқди.

У «Эслингер цайтунг» газетаси мухбири билан суҳбатда бундай деди: «башарти 6 мартдаги сайлоеддан кейин ҳозирги Бонн ҳукумаси ҳокимият тепасида қоладиган бўлса, шарқий мамлакатларга доир ва Германия хусусидаги сиёсатда яна совуқлик даври бошланади. Циммерман ва Штраус Одер-Нейсе бўйлаб ўтган чегарани қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги талаблари билан ҳозирнинг ўзидаёқ шунга шама қилдилар».

ТАШАББУСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

▲ БЕРЛИН. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов баён этиб берган совет тинчлик таклифлари жуда катта, программ аҳамиятга эгадир, деди ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер. У Германия Бирлашган социалистик партияси район комитетлари биринчи секретарларининг Берлинда бўлиб ўтган кенгашида сўзлаган нутқида шундай деди.

Янги совет ташаббуслари, шунингдек Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Прага Сиёсий декларациясида баён этилган таклифлар, деб таъкидлади Э. Хонеккер, — уруш ва тинчликнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш соҳасида барча мамлакатларнинг манфаатларини эътиборга олади-ган реал программадир.

«БИРЛИК — МУСТАҚИЛ АФРИКАНИНГ КУЧИ»

▲ НАЙРОБИ. Душман кучларининг кирдикорлари қаршисида африкалик халқларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш масаласи Африка бирлиги ташкилоти (АБТ) «Алоқа комитети» аъзоларининг диққат марказида турибди. Кения пойтахтида шу комитетнинг мажлиси очилди. АБТнинг қитъадаги 12 давлат раҳбари кирувчи шу органи олдига мазкур Умумафрика ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг XIX сессиясини тезроқ чақириш учун шарт-шароит таъминлаш вазифаси қўйилди.

АБТ раиси, Кения президенти Даниэль Арап Мои мажлиснинг очилиши пайтида сўзлаган нутқида унинг қатнашчиларини Умумафрика ташкилоти бошидан кечираётган тангликни бартараф қилиш, қитъа мамлакатлари бирлигини мустаҳкамлаш учун бутун кучни сарфлашга чақирди.

«Мустақил Африканинг кучи бирликдадир, — деб таъкидлади у. — Биз АБТнинг эллиқинчи йилида йўл қўя олмаймиз. Худди шу боисдан ҳам бу ташкилотга янги ҳаёт бахш этиш зарур».

«БЕМАЪНИ МАШМАША»

▲ БРЮССЕЛЬ. Бельгия коалициони ҳукуматининг АҚШдан энг янги турдаги қурол — «Ф-16» қирувчи-бомбардимончи самолётлари, жанговар вертолётларни ва танкларга қарши қурашувчи тўпларни кўплаб сотиб олиш тўғрисидаги қарори парламентда кескин танкидга учради.

Социалистик партия (фламандияликлар) парламент группасининг раиси Л. Тоббак вакиллар палатасида сўзга чиқиб, бу битимни «бемаъни ва ҳеч кимга керак бўлмаган машмаша» деб атади. Фландрия аҳолисининг кўпчилик қисми В. Мартенс кабинетининг қарорига қарши чиқмоқда, деб таъкидлади у.

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ЗАРУР

▲ ВЕНА. Расмий визит билан бу ерга Греция бош министри А. Папандреу кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш сиёсатини давом эттириш зарурлигини таъкидлади. У матбуот конференциясида сўзлаган нутқида уқтириб айтишича, Греция ва Австрия ҳукуматлари Европа территориясида ҳар бир янги ядро ракетасининг ўрнатилиши Европадаги барча халқларнинг тақдири учун хатарли окибатларга эга бўлиши мумкин, деб хисоблайдилар.

А. Папандреу Болкон ярим оролида ядросиз зона вужудга келтириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Бу мақсадга эришиш Болкондаги мамлакатлар учунгина эмас, шу билан бирга Европада ва бутун дунёдаги тинчлик иши учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлур эди, деб таъкидлади.

ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарорларини изчиллик билан ҳаётган татбиқ этаётган Янгийўл шаҳар савдо бошқармаси коллективи ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда.

Ёрдамчи хўжалик ташкил этилганидан буён меҳнаткашлар дастурхонига 202 тонна парранда гўшти, 2 миллион 550 минг дона тухум тортиқ этилди. Партиямиз қарорларига амалий иш билан жавоб беришга қарор қилган паррандабоқарлар 1983 йилда 108 тонна парҳез гўшт, 1 миллион 400 минг дона тухум етказиб бериш мажбуриятини қабул қилганлар. Шу кунларда ёрдамчи хўжаликда 60 киши ишчи меҳнат қилаётир. Паррандабоқарлар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада коммунистик меҳнат зарбдорлари Гулайда Камолова, Сафагул Холматовалар олдинда боришмоқда.

Т. ЮСУПОВ,
Тошкент области.

ПЕШҚАДАМ ХЎЖАЛИК МАРРАЛАРИ

Қорақўлчиларнинг галвирни сувдан қўтарадиган пайти — тўл мавсуми тобора яқинлашмоқда. Фориш районининг «Қизилқум» совхози чорвадорлари бу мавсумга пухта тайёргарлик кўрдилар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қишловни бехатар ўтказиш ва мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги қарорига жавобан иш тутган чўпонлар 46700 бош қўй ва қўзини зоовстеринария қоидалари асосида парвариш қилмоқдалар.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида совхоз қорақўлчилари қўйлар сонини кўпайтириш, наслини ва маҳсулот сифатини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишган. Улар бу йил ҳар юз бош совликдан 135 тадан қўзи олиш, олинган қўзилардан 16475 бошини ўстиришга қолдиришни мўлжаллаб меҳнат қилишмоқда. Шунингдек, хўжалик чорвадорлари давлатга 18115 дона сифатли қорақўл тери, ҳар бир қўй ҳисобига 3,2 килограммдан жун сотишдек улкан мажбуриятларни ҳам қабул қилишган.

Ў. НУРҚУЛОВ,
Жиззах области.

БАҲОР ТАРАДДУДИ

ТЕХНИКА ТАБИБЛАРИ

РЕПОРТАЖ

Устахона дарвозасидан киришингиз биланоқ цехларда иш қайнаётганлигининг гувоҳи бўласиз, ремонтчилар ўртасидаги мустаҳкам интизом ва уюшқоқликни, социалистик мусобақанинг илҳомбахш кучини яққол ҳис қиласиз. Бу ерда ҳар бир киши техникани кўкламга барвақт ва аъло шай қилиш ташвиш-тарадду-ди билан банд.

Темирчилик цехидамиз. Соч-соқоли оқарганини ҳисобга олмаганда, йигитлардек чаққон ва бардам, бутун вужуди билан ишга шўнгиган отахон ёнига яқин бордик. Қўллари ишда, зийрак кўзлари бир нуқтага қадалган уста билан саломлашдик.

— Хормang, отахон, ремонт юришяптими?

— Раҳмат. Келинглар. Темир ишининг катта-кичиги бўлмас экан, ҳаммаси ҳам муҳим. Трактор коробкасига қопқоқни алюминийдан ўзимиз қуяётирмиз. Заводдан келишини кутиб ўтирсак ремонт кечикади. Мана тайёр бўлаёзди. Қуринг заводникидан кам эмас, — деди отахон ўз ишидан мамнун бўлиб.

Устахона мудири Марат Ахмедшин бизни ота билан таништирди:

— Темирчи Абдулла ота Раҳимов пенсия ёшида бўлсалар ҳам севимли касбларини меҳнат билан улуғлаяптилар. Отахси техника ремонти авж олган ҳозирги кунларда вақт билан ҳисоблашмай ишлаяптилар. Малакали шогирдлари кўп. Ўз вазифасини ҳалол адо этишда, ишнинг аъло сифатли бўлишини таъминлашда ҳамкасбларига намуна.

Абдулла отага ўхшаш жонкуяр, темир билан тиллаша оладиган, механизмнинг сир-асрорларини ипидан-игнасигача биладиганлар устахонада кўп. Механика цехида токарь Ҳожи Қурбонбоев ҳар бир дақиқанинг қадрига етиб, станокнинг бетўхтов, бир маромда ишлашини таъминлаяпти. У ремонт учун керакли болтларни йўниб тезкорлик билан тайёрлаб бермоқда. Темирдан ушқун сачратиб металл улаётган пайвандчи Нурмат Самандаров, электрик Григорий Гончаренко, фрезерчи Раҳматулло Жабборов каби усталарнинг маҳорати мақтовга арзигулик.

«Госкомсельхозтехника» Урганч район ишлаб чиқариш бирлашмаси устахонасида техника ремонти кун сайин жадаллашмоқда. Устахона асосан «Т-28» маркали чопиқ тракторларини ремонт қилишга ихтисослаштирилган. Биринчи кварталда 220 та трактор капитал ремонт қилиниб кўкламги дала ишларига тахт этилиши керак. Шундан 73 таси старт чизиқларига қўйилган. Ишлар аниқ график асосида олиб борилмоқда. Техника назорати бўлими ремонтнинг юқори сифатли ўтказилишига жиддий эътибор бераётир. Айни вақтда ремонтчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Савдо, медицина ва маданий-маиший хизмат ходимлари ишидан устахона ишчилари мамнун.

— Биз йил охиригача 845 тракторни ремонт қилиш ва 654 минг сўмлик иш бажариш, техникани кўклам дала ишларига намуналы тайёрлаш, экишнинг ўз муддатида юксак сифат билан ўтказилишини таъминлаш мажбуриятини олганмиз. Сўзимиз устидан чиқиш йўлида куч-гайратимизни аямаймиз, — дейди «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси бош инженери Отабой Мусаев.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли совхозда далаларни баҳорги экишга тайёрлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Хўжалик деҳқонлари бу йил 16 минг тоннаник «оқ олтин» хирмони кўтариш учун бел боғлашган. Бу планда белгиланганидан деярли 3 минг тонна кўп.

Суратда: совхоз далаларини экишга тайёрлаш пайти.

Э. Хўжаев фотоси.
(ЎзТАГ).

«ЮЛИУС ФУЧИК ВА ЎЗБЕКИСТОН»

«Биз Ўзбекистонни жуда севиб қолдик. Республиканинг ҳамма жойида хўжалик ва маданий ривожланишнинг ғоят таъсирчан фактларига дуч келамиз» — Навоий номли Ўзбекистон давлат кутубхонасида ташкил этилган выставка Юлиус Фучикнинг ана шу сўзлари билан бошланади. Экспозиция чех халқининг шонли фарзанди, коммунист, антифашист курашчи туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган. Китоблар, фотосуратлар, ҳужжатлар «Дор остида ёзилган репортаж» муаллифининг ҳаёти ва кураши тўғрисида ҳикоя қилади.

Экспозицияда Фучикнинг 1930 ва 1934 йилларда Ўзбекистонда бўлишига алоҳида эътибор берилган. Ю. Фучик «Руде право» газетасининг мухбири сифатида социализм қурилиши тўғрисида, қадимий ўлкадаги ўзгаришлар ҳақида ажойиб репортажлар ёзди. «Юлиус Фучик ва Ўзбекистон» виставкаси стендларига ёзувчининг рафикаси ва содиқ дўсти республикамизда бир неча марта бўлган Густа Фучикова дастхати ёзилган китоблар қўйилган.

Ёзувчининг Тошкентдаги мемориал уй-музейида Фучикнинг 80 йиллигига бағишланган лекциялар ва адабий ўқишлар ўтказилмоқда. Музей бундан бир неча йил илгари Юлиус Фучик Тошкентда яшаган ва ишлаган уйда очилган эди.

(ЎзТАГ).

К. ШЕЙСОННИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

18 февраль куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Франция ташқи алоқалар министри К. Шейсон ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Асосан Европадаги вазият масалалари хусусида фикрлашиб олинди. А. А. Громико ядро қуролларини чеклаш проблемасига ҳозирги шароитда Европа хавфсизлигини таъминлаш бўгини деб алоҳида уқтирди ва Совет Иттифоқи бу борада ўртага қўйган таклифларни асослаб берди. Бу таклифларнинг амалга оширилиши мазкур проблемани адолатли тарзда ва ҳеч кимнинг хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда ҳал этиш имконини берган бўлур эди. Айни вақтда ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Женевада олиб борилаётган музокаларда АҚШнинг позицияси Совет Иттифоқи билан бир битимга эришишга эмас, балки Ғарбий Европада Америка ракеталарини жойлаштиришга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу эса қуролланиш пойгасини ва Европада ҳарбий мухолифлик хавфини муқаррар кучайтирган бўлур эди.

А. А. Громико ва К. Шейсон Хельсинкида бошланган Умумевропа жараёни давом эттирилиши, Европада кескинликнинг юмшатилиши ва ҳамкорлик мустаҳкамланиши зарур деган фикрни изҳор қилдилар. Ҳар иккала томон бу борада Мадрид учрашуви муваффақиятли тугалланиши муҳим аҳамиятга эга бўлишини, бу эса Европада ишончни мустаҳкамлаш тадбирлари ва қуролсизланиш юзасидан конференция чақирилиши учун йўл очиб беришини уқтириб ўтди. Совет Иттифоқи ва Франция муҳим якуловчи ҳужжат қабул қилинишига, жумладан, шундай конференция чақириш тўғрисида бир битимга эришишга кўмаклашадилар, деб келишиб олинди.

Бошқа халқаро проблемалар орасида жанубий-ғарбий ва жануби-шарқий Осиёдаги, шунингдек Узоқ Шарқдаги аҳволнинг баъзи жиҳатлари хусусида фикрлашиб олинди.

Министрлар энг аввало сиёсий соҳада Совет—Франция мулоқоти урушнинг олдини олиш, халқаро вазиятни соғломлаштириш ҳамда Европа қитъасида ишонч ва хавфсизлик муҳитини мустаҳкамлаш ишида тобора катта роль ўйнаши мумкин деган нуқтаи назардан келиб чиқиб икки томонлама Совет—Франция муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилдилар.

Савдо-иқтисодий соҳадаги ишларнинг боришидан, бир қанча катта лойиҳаларни амалга оширишдаги ҳамкорликдан умуман мамнуннят изҳор қилинди. Совет Иттифоқи ва Франциянинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидаги ҳамкорлиги кенгаймоқда. Шу билан бирга совет томони Франция қўлланаётган баъзи чеклаш тадбирлари бекор қилинса, савдо муносабатлари натижалари янада катта бўлур эди, деб уқтириб ўтди.

Министрлар илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг аҳволига ижобий баҳо бердилар.

А. А. Громико Совет Иттифоқи ўзининг ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга қаратилган принципиал йўлига мувофиқ Франция билан ҳамкорликни янада кенгайтириш учун бундан буён ҳам ўзига боғлиқ бўлган барча ишларни қилади, деб таъкидлади. Агар Франция томонининг нияти ҳам шундай бўлса, ҳар иккала мамлакат манфаатлари йўлида, умуман тинчлик манфаатлари йўлида Совет Итифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатларда олга силжиш таъминланиши мумкин.

Министрлар амалий ва қулай муҳитда ўтган фикрлашиб олишдан мамнуннят изҳор қилдилар. Иккала томон мамлакатлар ўртасида муттазам сиёсий алоқаларни давом эттириш зарур деган фикрни билдирдилар.

(ТАСС).

Умуман, ижтимоий ҳаётнинг бутун жараёни барча миллатларни бир-бири билан яқин алоқа боғлашга олиб боради... ўзининг ҳаёт ва иш шароитлари жиҳатидан рус тилини ўрганишга эҳтиёжи бўлган кишилар бу тилни... ўрганиб оладилар. *В. И. ЛЕНИН.*

УЛУҒ РУС ТИЛИ—

Бизнинг анкета: рус тили меҳнат, ижодий фаолиятингизда, маънавий дунёингиз республикамизнинг таниқли олим, адиб, санъаткор, ҳарбий хизматчи, меҳнат ветерани,

ИЛҲОМ МАНБАИ

Мен рус тилини ҳақиқий илҳом манбаи деб биламан. Нега?

Рус тили, рус миллатининг тили, Советлар диёридаги бошқа ҳамма миллатларнинг иккинчи она тили, СССР халқларини ўзаро якдил ва яқалам қилган улуғ тил менинг тақдиримда ҳал қилувчи роль ўйнаган десам муболаға бўлмайди. Рус тили билан бирга ва унинг воситасида болаликда олган тарбиям менинг келгуси ҳаётий қизиқишларим ва принципларимни белгилади.

Доҳий В. И. Ленин тилини ўрганишга қизиқиш, интилиш Октябрь революцияси, гражданлар уруши ва дунёда бўлаётган улкан ўзгаришлар даври талаби — замон талаби эди. Мен ҳам рус тилини билиш, рус китобларини ўқиш, рус тилида революцион ва гражданлар уруши даврининг қўшиқларини айтишни вужудимдан истар, ҳавас қилар эдим. Бахтимга мен ўқиган ва тарбияланган Тошкентдаги Карл Либкнехт номли машҳур намунали тажриба меҳнат мактаби истагим рўёбга чиқиши учун энг муносиб, табиий шароит яратиб берди. Бу ерда бутун мамлакат бўйича энг яхши муаллимлардан деб танилган Всеволод Федорович Лубенцов раҳбарлигида тажрибали муаллим ва мураббийлар рус, ўзбек ва бошқа миллат болаларини бошланғич синфдан ўнинчи синфгача ўқитар, уларни ҳақиқий гражданлик руҳида тарбиялар эдилар. Болалар бундай муҳитда — ўқиш, дам олиш, ишлаш жараёнида, табиийки, рус тилини тез, яхши ўрганиб олардилар.

Мана шу мактабда, сўнгра Намангандаги болалар уйида тарбияланганимда рус тилини яхши билиб олиб, Пушкин, Гоголь, Лермонтов, Крилов шеърлари, ҳикоя ва романларини зўр қизиқиш билан ўқиб, уларнинг маъносини, нозиклигини тобора тўла тушуниб бордим. Рус тилининг бой ва гўзаллиги, ўткирлиги ва соддалигидан, майинлиги ва ширадорлигидан, тасвирийлиги ва сержилолигидан завқландим.

Доимий меҳнат ва ҳаракат, умид ва интилишлар билан суғорилган унутилмас студентлик, сўнгра эса аспирантлик йилларида, мустақил иш бошлаган кезларимда рус тилини анча яхши билишим бебаҳо бойлигим эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Билимимни чуқурлаштиришга зўр ички эҳтиёж сезгач, Москва тарих, фалсафа ва адабиёт институтининг тарих факультетида сиртдан ўқий бошладим. К. Марксининг «Капитал», Ф. Энгельснинг «Табиат диалектикаси», «Анти-Дюринг», В. И. Ленининг «Материализм ва эмпирокритицизм» ҳамда бошқа асарларини рус тилида синчиклаб ўқиб, уларнинг илмий ва адабий жиҳатдан нақадар чуқур, юксак маҳорат билан ёзилганлигидан завқландим. Бу соҳадаги қизиқиш менга сўнгра, табиатшунослик фалсафаси билан яқиндан шуғулланиш, бир қатор мақолалар ёзиш ва катта анжуманларда докладлар қилиш имкониятини берди.

Рус тили илмий кашфиётларимнинг (бу соҳада агар қандайдир даражага эришган бўлсам) ҳам асосий омилидир. Бу тил ва унинг асосида бир қанча хорижий тилларни билмасдан биохимия, эндокринология, молекуляр биология каби замонавий, кўп тармоқли, чуқур назарий, экспериментал ва практик соҳалар бўйича маълумот олиш, арзийдиган бир иш қилиш у ёқда турсин, бу соҳага ёндашиш ҳам мумкин эмас. Рус тили менинг ҳаётий фаолиятим, фикру ғояларим, илмий ижодим, жамиятдаги мавқеим, руҳий интилишларим негизи эканлигини яхши тушунаман. Бу улуғ тил орқали жаҳон цивилизациясининг ноёб намуналари, маданияти, адабиёти, ижодий бойликлари билан таништим.

Фақат рус тилини билиб, шу тилда ёзилган илмий-оммабоп, бадиий асарларни ўқиш, шу тилда жамоат билан муомала қилиш, лекциялар эшитиш, машҳур, талантли, ажойиб шахслар билан учрашиш, суҳбатда бўлиш, мунозараларда иштирок этиш орқалигина мен реал шароитда ўз қобилиятим ва меҳнатимга муносиб ҳаётий позицияни эгаллашга муяссар бўлдим. Олим бўлиб етишдим. Китоблар ёздим. Русча-ўзбекча медицина луғатини яратдим. Илмий жамоатларга ранс этиб сайландим. Энциклопедияларда ўз мақолаларим билан иштирок этдим. Рус тилида ёзган ва таҳрир қилган иккита монографик илмий асарим инглиз тилига таржима қилиниб, АҚШда ва Исроилда нашр этилди. 1964 йилда Ленин мукофотига номзодим кўрсатилиб, фан бобидаги изланишларим кенг муҳокама қилинганда ва мени бу юксак мукофотга лойиқ кўришганида рус тилида ёзган илмий асарларим ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бўлса эҳтимол.

Мендек оддий ўзбек энциклопедиясининг тақдирини белгилаган бош омил рус тилидир.

Е. ТУРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ленин мукофоти лауреати.

Мен агар
қариган занжи бўлсам ҳам,
Ҳатто ўшанда ҳам эринмай, бардам,
Ўрганиб олардим русларнинг тилин,
Сўзлагани учун
шу тилда
Ленин!

В. В. МАЯКОВСКИЙ.

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

Ёшлар учун рус тилини мактаб қучоғидаёқ пухта билиш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Шу боисдан «Ўқитувчи» нашриёти мактаб ўқувчилари учун чоп этган «Рус тилида сўзлашамиз» қўлланмаси бу эҳтиёжни қондириш йўлида муҳим қадам бўлди дейиш мумкин. Китоб ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш, кундалик ҳаётий мавзуларда суҳбатлашишга ўргатишда муҳим кўмакчи бўлади. Унинг алоҳида-алоҳида темаларга бўлингани, мавзуларнинг ҳар бири диалог характерида эканлиги ўзлаштиришни осонлаштиради. Китоб тузувчилари К. Коблов ва А. Долимовлар темаларни танлаш ҳамда сўз ва ибораларни жойлаштиришда изчиллик принципига риоя этишган.

Қўлланма оммавий нусхада чоп этилди.

МЕНИНГ АЙТАДИГАН ГАПИМ—

шуки, рус тилини яхши ўрганинглар

Анча йил илгари, биринчи марта Ивановога мусобақадош тўқимачилар олдига бораётганимда йўл бўйи ҳаяжонланганим ҳали-ҳали эсимда.

Ивановога етиб келдиму, ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди. Аввалambор бизни у ерда жуда яхши кутиб олишди. Шаҳарни айлантиришди, ўрмонларга, дарё соҳилларига олиб боришди, хонадонларда меҳмон бўлдик. Улар кўшик куйласа, қўшилиб куйладик, рақса тушса қўшилиб рақсга тушдик. Ишимизга оид масалалар борасида мунозаралар қилдик. Билганимизни ўргандик. Билганимизни кўрсатдик. Тошкентга бир олам таассурот билан қайтдик.

Шундан сўнг беихтиёр ўйланиб қолдим: бизни, ўзбекистонлик тўқувчиларни мингминг чақирим олисда эркин, ўктам қилган нима? Эркалатиб олиб юрган ким? Шунда бир лаҳза тасаввур қилдим: мабодо рус тилини билмаганимизда-чи? Тасаввур қилолмадим. У ҳолда таассуротларимиз шунчалик бўлармиди-йўқми, билмадим.

Тўғрисини айтсам, мен рус тилини анча кеч, Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртига келганимдан кейин ўргандим. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда уни пухта ўрганишга эътиборсизлик қилганим учун кўп афсусландим.

Бу гапни мен ҳозир қишлоқ мактабларида ўқиётган ёшларга айтяпман. Бугунги социал-иқтисодий тараққиётимизни, фан-техника ривожини рус тилисиз тасаввур этиш қийин.

Ивановода Валентина Андрухова деган тутинган опам бор. У Тошкентга келганда. Оққўрғондаги ҳовлимизда бўлди. Дедам уни «қизим» деб қабул қилди. Шунга ҳам неча йил бўлди, ҳамон хат олишиб турамиз. Орамизда меҳнат мусобақаси бор. Алоқамиз — рус тилида!

Корхонамизда салкам эллик миллат вакиллари меҳнат қилади. Ҳаммамизнинг ташвишимиз битта: халқимизга янада кўпроқ сифатлирок Тошкент газламаси етказиб бериш. Бир-биримиздан ҳисоб талаб қилиб, бир-биримизга ҳисоб бериб ишлаймиз. Бу ҳам рус тилида!

Менга биринчи синф ўқувчиларининг битта шеъри жуда ёқади. Эсингизда бўлса у «Менинг икки онам бор» деб бошланади. Тилда ҳам шундай! Бир-биридан азиз икки тилимиз бор. Биринчиси — ўз она тилимиз, иккинчиси, социалистик Ватан тили — рус тили!

СССР Олий Советининг депутати сифатида ижтимоий ҳаётимизнинг, иқтисодий тараққиётимизнинг йирик, долзарб масалаларига бағишланган катта йиғинларда кўп иштирок этганман. Ўзбекистонлик пахтакор, россиялик ишчи, украиналик ғаллакор ва қозоғистонлик чорвадор — боринги, бепоён мамлакатимизнинг барча халқлари вакиллари олий анжуманларда ўз орзу истакларини шу тилда изҳор қилади. Бу тил ҳаммага баравар — иккинчи она тилидир.

Дилбар ҚУЛМАТОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор тўқувчиси, СССР Олий Советининг депутати, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Тошкентдаги Л. Б. Шастри номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-мактабда рус тилини ўқитиш яхши йўлга қўйилган. Рус тили ўқитувчиси Валентин Егорович Серковнинг проблемали таълимда техник воситалардан фойдаланиш бобидаги тажрибаси маъқулланиб, уни шаҳар мактабларига ёйиш ва оммалаштириш тавсия этилди. Суратда: В. Е. Серков юқори синф ўқувчилари билан машғулотда.

ЛЕНИНГРАД АРМУҒОНИ

Кечагидек эсимда. 1931 йилнинг куз ойлари эди. Анор гарқ пишган. Биз тузган колхоз ҳам тетапоя қилиб оёққа тураётган пайтлар. Ўша кезлари: «Трактор деган полвон машина чиқибди. Бир ўзи ўн беш-йигирма жуфт қўш ҳўкизнинг ишини қилармиш. Уни Ленинград деган олис шаҳарда ясашар экан. Деҳқоннинг куни туғди энди» деган гаплар қулоққа чалиниб қолди.

Ростини айтсам, ана шундай машиналарни яратган ишчиларга, уларнинг саховатига қойил қолиб, чин дилдан тасаннолар айтдик. Деҳқоннинг оғирини енгил қилишга интилишибдими, демак ажойиб инсонлар экан. Шу ҳақда гаплашар эканмиз, кимдир: «Ўша азаматларга анор совға қилиб юборсак бўлармикан» деб қолди.

— Юборамиз, албатта, юборамиз!

Бир қарорга келдик. Таклифимизни раҳбарлар маъқуллашиб, хат қилиб беришди. Шундай қилиб, бир вагон анор олиб Ленинградга, машҳур Киров заводига йўл олдик. Нева бўйидаги шаҳарга етиб бориб, заводни топдик ҳам. Лекин на мен, на шеригим Абдурасул Мамарасуловда лаб-даҳан бор — русча сўзлашни билмасдик. Шу чоғ республикамиз оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ёзиб берган хат эсга тушиб қолди. Завод раҳбарларининг хатни ўқиб: «Эҳ-а, делегация!» деган сўзлари қулоғимда ҳамон жаранглаб тургандай. Мендек бир деҳқоннинг луғатини бойитган биринчи интернационал сўз ҳам шу эди.

Заводда бир неча кун бўлдик. Ленинградликлар катта иззат-икром кўрсатишди. Цехма-цех олиб юришиб, трактор ясаш жараёнлари билан таништиришди. Ўша кунлари менинг луғатим «ўртоқ», «ёрдам», «мусобақа», «бирдамлик», «меҳнат», «бахт» каби ўнлаб русча сўзлар билан бойиган эди.

Биз ҳам ишчи биродарларимизга ўз колхозимиз, унинг илк қадамлари ҳақида сўзлаб бердик. Бунда бизга шу заводда ишлайдиган татар йигити Усмон Каримов кўмаклашди: биз, қувалик деҳқонлар билан Ленин шаҳри ишчилари ўртасидаги мулоқотда у таржимонлик қилди. Ҳамроҳим билан Ленинграддан қайтар эканмиз, вагонда орачора бир-биримизга биссотимиздаги русча сўзларни қўшиб гаплашганларимиз эсимда.

Орадан бир неча ой ўтгач, Қувага иккита трактор гулдираб кириб келди. У — Киров заводи ишчиларининг биз, деҳқонларга совғаси эди. Тракторнинг дарагини эшитиб, кўп одам тўпланди. Ўз-ўзидан митинг бўлиб кетди. Мен ҳам сўзга чиқдим, албатта. Ўшанда «Бу — бизнинг трактор!» деган сўзларни русчалаб, ҳаяжон ичида тантанавор айтганим сира-сира ёдимдан чиқмайди. Ҳа, рус тили, буюк Ленин тили Нева бўйидаги шаҳар — инқилоб бешиги ишчилари билан Қува деҳқонлари ўртасида ога-инилик, борди-келди, битмас-тугаммас меҳр-оқибатни бошлаб бердики, бу ҳақда гапирган билан адо қилиб бўлмайди.

Яқинда яна бир хушхабар эшитдим. «Қува анорининг таъми» деган янги кинофильм яратилибди. У бизнинг бундан эллик икки йил муқаддам бошланган дўстлигимизни тараннум этади. Бу асар қаҳрамонлари қуваликлар билан Киров номли завод меҳнаткашлари эканлигидан мамнунман.

Н. ИСМОИЛОВ,
Қува районидаги «Социализм» колхози аъзоси, меҳнат ветерани.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● 1979 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра

мамлакатимизда 184 миллион киши рус тилида эркин сўзлаша олади;

бошқа миллат вакилларидан 16 миллион 103 минг киши рус тилини ўз она тилим деб ҳисоблайди;

рус бўлмаган 61,3 миллион киши уни иккинчи она тили деб билади.

● Республикамиздаги 43 олий ва 227 ўрта махсус ўқув юртида ярим миллиондан ортиқ йигит-қиз таълим олмоқда;

500 дан ортиқ ҳунар-техника билим юртида қариб 250 минг талаба касб ўрганиб, билим сирларини эгалламоқда;

тўққиз мингдан ортиқ мактабда 4 миллиондан ортиқ ўғил-қиз ўқимоқда, саккиз мингга яқин болалар боғчаяслиларига меҳнаткашларнинг бир миллиондан ортиқ фарзанди қатнайди.

● Барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактабларимизда рус тили ўқитиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Мактабгача тарбия муассасаларида ҳам рус тилини ўргатишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

ИЛҒОР ТАЖРИБА— ҲАММАНИНГ МУЛКИ БЎЛСИН

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси бош комитетининг 18 февраль куни Москвада бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг СССР Озиқ-овқат программаси тўғрисидаги қарорлари асосида шу виставкининг вазифалари муҳокама қилинди.

Докладчилар — виставка бош комитетининг аъзолари: СССР қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месяц, СССР мева-сабзавот хўжалиги министри Н. Т. Козлов, СССР енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министри И. И. Пудков, СССР Госкомсельхозтехникаси раисининг ўринбосари Л. А. Корбут, сўзга чиққан бошқа кишилар тармоқ павильонларида ютуқларни кўрсатиш учун масъул бўлган министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси мамлакат Озиқ-овқат программаси қандай амалга оширилаётганлигини кенг ва актив пропаганда қилишлари зарур, деб уқтириб ўтдилар. Агросаноат комплексининг пропорционал ва мутаносиб ривожланаётганлигини акс эттирувчи виставкалар, кўриклар, экспозициялар ташкил этиш кўзда тутилган. Район агросаноат бирлашмалари, илғор колхозлар ва совхозларнинг ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелиорациялаштирилган ерлардан самарали фойдаланиш соҳасидаги иш тажрибаларини пропаганда қилишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Виставка бош комитетининг қарорида агросаноат комплексининг энг муҳим проблемалари юзасидан семинарлар, конференциялар ўтказиш белгиланди. Қишлоқ меҳнаткашларини ўқитиш янги машиналарни намойиш этиш билан, экинларни парвариш қилишнинг индустриал технологияларини бевосита колхоз ва совхозларда кўрсатиш билан қўшиб олиб борилади. Тематик ва тармоклараро туркум виставкалар ташкил этиш мўлжалланган.

(ТАСС).

СОВЕТ ТИЛ СИЁСАТИ ВА ҚУРИЛИШИ

Назария масалалари

Мамлакатимизда тил қурилиши масалалари тараққиётимизнинг ҳамма босқичларида социализмнинг социал-иқтисодий асосларини барпо этиш вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда ҳал қилиниб келмоқда. Гап шундаки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, аввало, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг тобора ўсиб боришини, уларнинг маданият даражаси юксалиб боришини тақозо этадики, бунга мамлакат аҳолисини ёпасига саводхон қилиш, она тили ва миллатлараро муомала тилини ўқитиш даражасини юксак савияда олиб бориш, миллий адабиёт, матбуот, иш юритиш учун қулай шароит яратиш йўли билан эришилмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан ҳозирга қадар босиб ўтган шонли йўлимизда бу ҳақиқат янги-янги далиллар билан ва, энг муҳими, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ўзининг ёркин ифодасини топди.

Узоқ Шимол ва Узоқ Шарқни (беполён малакатимизнинг баъзи бошқа районлари ҳам шулар қаторига киради) ўзлаштиришда геологлар ва картографлар билан бирга она тили алифбеси ва грамматикасини меҳр билан бағрига босган муаллимлар ҳам фидойилик кўрсатдилар. Шунинг учун ҳам жойлардаги дастлабки ўрта ва олий ўқув юртлари педагогика билим юртлари ва педагогика институтларидан, дастлабки илмий муассасалар эса она тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институтларидан ўз ихтиёридаги илмий ва амалий воситалар билан Совет Иттифоқида яшовчи барча халқларнинг тобора ривожланиши, гуллаб-яшнаши ва бир-бирини бойитишига яқиндан ёрдам беради.

Ҳозирги замонда тил, тил сиёсати ва тил қурилиши масалалари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бу масалаларга қизиқиш асосан икки ҳолат билан изоҳланади. **Биринчидан**, асримизнинг эллигинчи ва олтмишинчи йилларида милли-озодлик ҳаракати галаба қозонди. **Иккинчидан**, бутун дунё миқёсида иқтисодий алоқалар кенгайиб, тобора чуқурлашиб бормоқда, халқаро миқёсда меҳнат тақсимоти кучаймоқда, ривожланаётган мамлакатлар фан-техника тараққиёти эшигини дадиллик билан очиб иборат бўлганлиги тасодифий эмас.

КПССнинг миллатлар ва миллий муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги сиёсатининг асосий ўзаги миллатларни тобора равнақ топтириш ва бир-бирига яқинлаштиришдир. Зеро, етук социалистик жамиятда миллатларнинг равнақи ва ўзаро яқинлашуви бир-бирига зид эмас, балки бир-бирига ёрдам берувчи, бир-бирини тўлдирувчи жиҳатлардир. Совет тилшунослик фани эса назарияда ҳам, амалда ҳам ҳар доим шу нуктаи назардан туриб иш тутади, лангина мустаҳкамлаб қолмади, балки бу иттифоқ давлатини, жумладан, тил аспектида ҳам ривожлантириш учун кенг истиқбол очиб берди. Шуни зўр ифтихор билан қайд қиламизки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда ўн бешта иттифоқчи республика миллий тили, 40 та автоном республика ва область адабий тили, 10 та автоном округ ёзма тили мавжуддир. Ваҳолонки, 1923 йилда бизнинг мамлакатимизда 33 та миллий давлат ва миллий-давлатчилик бўлган эди. Бу рақамлар кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи миллий давлатчилиги ривожланиб, миллий тил ва адабиёт тобора равнақ топиб, ўсиб ва мустаҳкамланиб борганлигини кўрсатади.

Октябрь революцияси ва социалистик қурилиш давомида таркиб топган ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар иттифоқининг тажрибаси СССР учун миллатлар ва элатларни ягона кўпмиллатли иттифоққа бирлаштиришнинг энг муҳим намунаси бўлди. Мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг бир-бирлари билан ихтиёрий бирлашувидан келиб чиққан тенг ҳуқуқлилик принципи эса Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ташкилий қиёфасининг интернационал принципига тўла мосдир.

Ҳозирги босқичда тил сиёсати кўпдан кўп ва мураккаб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Кўпгина мамлакатлар учун шу муаммоларнинг энг муҳими умумдавлат ва миллатлараро муомала учун тил танлашдир. Бу масалани ҳал қилиш давлатнинг ички сиёсати билан, мамлакатдаги социал-сиёсий ва маданий-идеологик жараёнлар билан маҳкам боғлиқ бўлиб, унга кўп даражада таъсир кўрсатади.

Бизнинг мамлакатимизда рус тили миллатлараро муомала тили сифатида ихтиёрий равишда эътироф этилганлиги мамлакатимиз ҳаётининг тобора интернационаллашиб бораётганлигини кўрсатади, ягона халқ хўжалик комплексини такомиллаштиришга ўзига хос равишда сингиб киради, миллатлар ва элатларнинг бир-бирлари билан тобора яқинлашиб бораётганлигидан далолат беради.

СССРда миллий маданиятларнинг гуллаб-яшнаши ва бир-бири билан яқинлашуви, бир томондан, миллий тилларнинг ривожланишига боғлиқ бўлди, иккинчи томондан эса, бу жараёнда рус тилининг аҳамиятини мустаҳкамлади ва кучайтирди. Бунда рус тилининг воситачи тил сифатида амал қилиши баъзи хусусиятлар билан характерланади. **Биринчидан**, рус тили миллатлараро муомала тили тусини олгач, ҳеч қандай янги юридик ҳуқуқлар, афзалликлар ва имтиёзлар олгани йўқ. **Иккинчидан**, ихтиёрий равишда восита тили сифатида танланган рус тили мамлакатимизнинг рус бўлмаган халқлари томонидан мажбуран ўрганиладиган тил статусига эга эмас. **Учинчидан**, рус тили бошқа миллатлар ва элатлар тилларининг ижтимоий функциялари ўрнини босмайди.

Бизнинг мамлакатимизда рус тили восита ва ўзаро муомала тили сифатида эътироф этилганлиги ривожланган социализм қурилишининг ҳақли равишда умумлашган якуни деб ҳисобланадиган янги тарихий бирлик шаклланганлигининг натижасидир. Бу янги тарихий бирликнинг вужудга келишига омил бўлган жараён меҳнатни, ишлаб чиқаришни, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни умумлаштириш жараёнидир.

Мамлакатни индустрлаштириш асосида умумлаштириш жараёни миллий-тил тўсиқларини бартараф этиш, мамлакатимизнинг ҳамма жойларида илмий ва маданий ютуқларни кенг ёйиш, яъни бу соҳаларда интернационаллашув юз бериши билан боғлиқ бўлди.

Социал муносабатлар соҳасида интернационаллашув жараёнига жамиятни интеграциялаш ҳамроҳ бўлади ва бизнинг кўз ўнгимизда турли миллат меҳнаткашлари иттифоқи сифатидагина эмас, балки, меҳнаткаш синфлар иттифоқи сифатида ҳам намоён бўлади. Бинобарин, урбанизация ва индустрлаштириш икки аспектда — миллий ва синфий-социал жиҳатдан интернационал онгнинг ўсишига имкон яратади.

ҚАРДОШЛИК ТИЛИ

бойишида, умуман тақдирингизда қандай роль ўйнади ва ўйнамоқда? Ушбу саволларга саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари жавоб берадилар.

СОВЕТ КИШИЛАРИ МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚА ТИЛИ ДЕБ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН РУС ТИЛИ СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ СОЦИАЛ-СИЁСИЙ ВА ҒОЯВИЙ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ, МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЎЗАРО БОЙИТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ БЎЛИБ ҚОЛДИ. БУ ТИЛ БАРЧА ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАЪНАВИЙ БОЙЛИКЛАРИДАН БЕМАЛОЛ БАҲРАМАНД БЎЛИШЛАРИГА ЙЎЛ ОЧДИ.

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан).

МЕҲРИМИЗ ҚЎНГАН ЗАБОН

Унга меҳримиз тушган, севамиз уни

Бундан олти йил муқаддам машҳур сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Лейда Аугустовна Пейпс бошчилигида бир гуруҳ эстониялик чорвадор ва мутахассислар Бухорога меҳмон бўлиб келишди.

Шу зайл Эстония ва Бухоро области чорвадорларининг мусобақаси кенг қанот ёзди. Дўстлик, қардошлик ва ўзаро ҳамкорликка асосланган бу мусобақа туфайли қувончли ютуқларга эришдик. Ҳамма сигирларимиз Эстониянинг зотдор говмишларига алмаштирилди. Сутни машинада соғиш зонаси янада кенгайтирилиб, такомиллаштирилди. Сигирларни аниқ рацион асосида озиқлантириш, парваришлаш, ем-хашак базасини, меҳнат ва ишлаб чиқариш интензомини мустаҳкамлаш йўли билан сутни кўпайтириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилди. Бу анъанага ҳамон содиқмиз.

Хўш, бу катта ишларда, олис Эстония чорвадорлари билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйишда бизга қандай восита ёрдам берди! Қўлга киритган ютуқларимиз, эришилажак муваффақиятларнинг боиси нимада! Жавоб битта: аввало бизда миллати, элати, тили ва одати турлича бўлган совет кишиларини ягона мақсад байроғи остида уюштирган қудратли восита, бемисл қурол бор. У ҳам бўлса доҳий Ленин тили — рус тилидир.

Бугунги кунда фермамизда бу тилни билмайдиган, тушунмайдиган кишини топиш қийин. Коллективимиз ҳам, оилаларимиз аъзолари ҳам рус тилини ўзларининг иккинчи она тиллари деб биладилар. Мактабларимизда бўлгани каби фермамизда ҳам рус тилини чуқур ўрганиш бўйича тўгараклар ташкил этганмиз.

Шарифа МУҚИМОВА,
Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси, СССР Олий Совети депутати.

ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛ

Рус тили кундалик ҳаётимизда, ишимизда қудратли қурол

Бизнинг оиламизда сўс тилига бўлган меҳр марҳум отамиз Охунжон Иноғомовдан ўтган деб айтиш мумкин. У киши 1973 йилда 101 ёшга кириб вафот этдилар. Рус тилини жуда яхши кўрар эдилар. Бу тилни ўрганиб, то умрларининг охиригача рус тилидаги газета ва журналларни ўқидилар. Акаларим Шукуржон ва Шокиржонлар рус мактабида ўқиб билим олишган. Мен ҳам ана шу мухитда тарбия топиб, рус тилига ёшлигимдаёқ меҳрим тушган.

Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактабнинг 5—7-синфларида ўқиб юрган вақтимизда кўплаб ҳарбий сўзларни тез ўрганиб олдик. Рус тилида чиқадиган газета ва журналларни кутубхоналардан олиб вақти-вақти билан ўқиб турар эдим. 1938 йилга келиб бу тилни дурустгина ўрганиб олишга муяссар бўлдим. Тошкентдаги ҳарбий пиёдалар билим юртига кириш имтиҳонларини рус тилида топширдим. Конкурсдан ўтиб ўқишга қабул қилинганлигим ҳақидаги хабарни эшитгандаги хурсандчилигимнинг чек-чегараси йўқ эди. Мазкур билим юртида турли миллат фарзандлари бир оиланинг болаларидек аҳил ўқирдик. Бу ҳарбий масканни муваффақиятли тамомлагач, Харьков шаҳридаги пиёдалар ҳарбий билим юртига ишга юборишди. Уша ерда ёшларга ҳарбий ва снёсий тайёргарлик бўйича рус тилида машғулотлар олиб борардим.

Сталинград остоналарида бўлган дахшатли жангларда 94-алоҳида ўзбек ўқчи бригадасининг автоматчилар ротаси командири сифатида иштирок этдим. Бу тарихий жангда қатнашган йигитларимизнинг ҳаммаси рус тилида сўзлашар эди. «Ватан учун!», «Партия учун!» деган жанговар буйруқлар рус тилида жаранглади.

Улуғ Ватан уруши йилларида барча совет халқларининг вакиллари билан биргаликда она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчимни адо этишда рус тили менга ва жангчиларимизга бениҳоя катта ёрдам берди. Тиш-тирноғигача қуролланган фашист газандаларини тор-мор қилишда, душманнинг уяси бўлган Берлинни штурм этишда, қисқаси, бу мислсиз тарихий Ғалабада улуғ рус халқи ва унинг тили ниҳоятда катта роль ўйнади.

Рус тили — совет халқларининг қардошлик, дўстлик ва биродарлик тили. Бу тил янги инсонни тарбиялашнинг таъсирчан омили бўлганлиги туфайли биз, командирлар Совет Армиясининг шахсий составини коммунистик руҳда тарбиялашда уни ниҳоятда муҳим ва қудратли восита деб биламиз.

Рус тили ниҳоятда мураккаб ҳозирги замон ҳарбий қурол-аслаҳаларининг ҳаммасини талаб даражасида бошқараётган, мамлакатимизнинг дахлсизлигини таъминлаётган, Ватанимиз чегараларини ҳушёр туриб қўриқлаётган турли миллатга мансуб солдатларимизни мустаҳкам ва жанговар жипслашган меҳнатсевар коллективга бирлаштираётган муҳим воситадир. Ёшлар рус тилини пухта эгаллаб олишлари зарурати кундан кунга ортиб бораётир. Шундай экан, ота-оналар ўз фарзандларида рус тилига иштиёқни яна ҳам қатъият билан тарбиялашлари, бу борада уларга яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Турли миллат фарзандларининг ҳарбий билим юртларига киришларида рус тили ниҳоятда асқотади. Бу борада республикамизда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Мен Совет Қуролли Кучларининг вакили бўлганимдан, буюк ва қудратли рус тилини билганимдан жуда хурсандман. Қуролли Кучларимиз олтин фондининг бир аъзоси эканлигимдан бениҳоя фахрланаман.

Ватан ҳимоячиси — офицерлик касбини танлаётган ёшларимизга оқ йўл тилайман.

С. ОХУНЖОНОВ,
Узбекистон ССР Граждан мудофааси штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант.

ДИЛДА ЗАМОН ТИЛАГИ

Бу тил ижодимизга, ишимизга қанот бағишлайди

Мана, иш столингда янги асар турибди. Унинг илк саҳифасини очасан-да, ўқишга тутинасан. Агар асар чиндан баркамол бўлса, сени ўз домига тортади. Қаҳрамонлар тақдири қалбингни ларзага солади, қамраб олинган даврҳақидаги тасаввуринг бойийди... Янги фильм яратиш ҳақидаги ниятнинг кўнгилда туғилишидан лентаналда ифодасини топишигача ўтадиган изланиш даври нимаси биландир ана шунга ўхшайди.

Беруний ҳақида фильм яратиш жараёнида мен ўша мураккаб даврҳиддиятларини, зулмат ва зиё, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий кураш моҳиятини янада чуқурроқ ҳис этдим. Фильмда тарихий шахс — Берунийдек алломанинг жаҳон фани ва маданияти юксалишидаги бебаҳо хизматини кўрсатишга интилдик. Берунийнинг комусий билим эгаси бўлишида она тилининг, шу билан бирга даврмаданияти кўзгуси бўлган форс-араб тилларининг аҳамияти беқиёс. Чунки Беруний даврида дурдона асарлар форс-араб тилларига ўгирилган, аксар фозиллар шу тилда асарлар битишган. Умуман ижодкор қанча кўп тилни билса, унинг имкониятлари шунчалик чексиз бўлади

«Бир замон ким эдим, ким бўлиб қолдим», дейди шоир. Олтмиш-етмиш йил бурун биз ким эдик, хўш, бугунчи?! Бугун ўзбек адиблари яратаётган энг сара асарлар жаҳон миқёсига чиқмоқда. Ажойиб санъат асарларимиздан миллион-миллион томошабин баҳраманд бўлмоқда. Ана шулар ҳақида ўйлаганда улуғ рус тилига таъзим қиламан. Рус тили менинг иккинчи она тилимдир.

Менинг болалик йилларим Москвада ўтган. Бир яшар чоғимдаёқ (1932 йил) пойтахтдаги олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган она-отам мени ҳам ўзлари билан олиб кетишган. Уша ерда тилим чиқди, эсимни танидим, болалар боғчасида улғайдим. Ўқишни тугатишгач, ота-онам Косонда иш бошлашди. Мен эса шаҳардаги рус мактабида сабок олдим. Ҳаётимда бирон-бир қувончли воқеа содир бўлса, мен ҳамиша бир кишини ёд этаман, ич-ичимда унга ташаккур айтаман. У — ҳарф ўргатган муаллимим, ёшгина рус йигитдир. «Ёшгина» дейишимнинг боиси у Улуғ Ватан урушидан омон қайтмади. Бошланғич синфлардаёқ дилимда улуғ рус тилига, улуғ рус адабиёти ва санъатига чексиз муҳаббат уйғотган ўша — биринчи муаллимим эди.

Санъаткор бўлиш орзуси дилимда қачон куртак ёзган — бу ҳақда аниқ бир нима деёлмайман. Эҳтимол бу орзу уруғини Москва давлат консерваториясининг собиқ талабаси — онам дилимга солгандир. Эҳтимол, Ласкарато?!

Тошкентда, Охунбобоев номидаги медицина билим юртида таҳсил кўриб юрган чоғларим билим юрти қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнаганман. Тўгаракнинг бадиий раҳбари — М. Горький номидаги рус давлат академик драма театри актёри Ласкарато эди. Ижрочилик маҳоратининг илк сирларини ундан ўргандик. Ҳаваскор тенгқурларим қатори «Айбсиз-ейбдор» (А. Островский), «Соқов рицарь» (А. С. Пушкин) ва бошқа саҳна асарларида қатор ролларни ижро этдим. Санъатга муҳаббат мени Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига бошлаб келди.

Янгийўлда, Маннон Уйғур номидаги музикали драма театрида, кейинчалик, Тошкент театр ва рассомлик санъати институти актёрлик маҳорати кафедрасида ишлаб юрган кезларимда ҳарф ўргатган биринчи муаллимимга қайта-қайта ташаккур айтдим. Чунки улуғ рус тили орқали жаҳон маданияти, рус ва совет санъати намояндаларининг, санъатшуносларнинг дурдона асарларидан баҳра олдим. Ҳа, рус ва она тили замондошларимиз учун, ижодкор учун икки қанотдир. Қанотлари нечоғлик мустаҳкам бўлса, у шунчалик юксакликка парвоз этади. Тўғри, Данте ва Шекспир, Пушкин ва Гёте, Толстой ва Флобер, Достоевский ва Хемингуэй сингари жаҳон адабиёти намояндаларининг бир қатор асарлари халқимиз мулкига айланган. Айни чоғда анча гултож асарлар онатилимизга ўгирилганича йўқ. Табиийки, вақти билан улар ўзбек тилида жаранглайди. Шуниси қувончлики, ҳозир бу дурдоналардан улуғ рус тили орқали баҳраманд бўлиш имконияти бор...

СССР Давлат мукофоти лауреати, таниқли кинорежиссёр Григорий Данелия менинг собиқ ҳамкурсим, биз «Мосфильм»ф киностудияси қошидаги олий режиссёрлик курсида бирга таҳсил кўрганмиз, Михаил Ромм, Александр Довженко сингари устозлар сабоғини олганмиз, кино оламига илк қадамни ҳамкорликда ташлаганмиз; И. Ильф, Е. Петровнинг «Олтин бузоқча» романи бўйича бир қисмли кинокомедия яратганмиз. Мен унинг ва собиқ ҳамкурсим Сергей Миказлян ижодини қизиқиш билан кузатиб бораман. Ҳар биримиз қайси миллатга мансуб бўлмайлик, экран орқали фикрлашувимизда яна рус тили кўмакка келади.

Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ Пушкин ва Лермонтов ижодига кўнгил қўйдим. «Замонамиз қаҳрамони»ни такрор ва такрор йигирма марта ўқиганим эсимда. Пушкиннинг «Евгений Онегин»и, Лермонтовнинг «Демон»и ёд бўлиб кетган. Кейинчалик қаршимда Толстой ва Достоевский, Гоголь ва Чехов яратган мураккаб, кечинмаларга бой янги оламлар намоён бўлди.

Рус тили она тилим каби ижодда ҳам менга қанот бўлди. Мен суратга олган аксар фильмлар сценарийси рус тилида битилган. Маълумки, «Тошкент — нон шаҳри» асари рус адиби Александр Неверов қаламига мансуб. Шу асар асосида 1968 йил суратга олинган фильмда ҳам, «Сен етим эмассан» фильмини суратга олишда ҳам турли миллатга мансуб санъаткорлардан иборат ижодий коллектив қатнашди. Биз рус тили воситасида фикр алмашдик, бир мақсад йўлида курашдик. Боболаримиз зулмат қўйнида зиёга ташна бўлиб яшади. Ўтмишда ким эдик, бугун ким бўлиб қолдик?! Халкимиз эришган, хусусан маданият борасида қўлга киритилган бу улуғвор юксалишда буюк инқилобнинг, улуғ Ленин тилининг аҳамияти беқиёсдр.

Шуҳрат АББОСОВ,
СССР халқ артисти.

ЁРҚИН МАШЪАЛ

Рус тили ҳаётимиз йўлини машъалдек ёритади

Яқинда Ивановодаги Ленин номли комбинатнинг донгдор тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентина Николаевна Голубевадан бандероль олдим. У Ўзбекистон пахтасидан тўқилган читдан бир парча ҳамда ўзи ҳақида ёзилган китоб юборибди. Китобнинг ички муқовасида мана бу сўзларни ўқидим: «Ўзбекистон пахтакорлари билан ивановолик тўқувчилар дўстлиги абадий ривожланиб, борган сари барқарорлашиб, метиндек мустаҳкамланаверсин». Қалбим фахр ҳисларига тўлди. Бир парча чит! У шунчаки оддий бир парча мато эмас. Мўъжизавор шаҳодат бу.

Мен Валентина билан бундан икки йил муқаддам КПСС XXVI съезди давом этаётган кунларда танишиб, дўстлашган эдим. Ўшанда, ўзаро суҳбат асносида тўқувчилар ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатни бўлишида пахта толаларининг пишиқ ва юқори сортлилиги нечоғли катта роль ўйнашини янада чуқурроқ тушундим.

Съезд кунлари Иттифоқимизнинг турли чеккаларидан келган ҳамкасблар билан мулоқотда бўлдик, дўст орттирдик, тажрибаларимиз, иш режаларимизни ўртоқлашдик. Ушанда менда, айниқса, рус деҳқонлари, саноатчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалик, корхона ва бригада ёрдамчи хўжаликлари ҳақидаги гаплари катта таассурот қолдирган эди. Бугунги кунда бизнинг бригадада ҳам шундай хўжалик бор, унинг ишини ривожлантиришга катта эътибор беряпмиз.

Қардошликни мустаҳкамлаб, ҳамкорликни ривожлантиришда, ҳамиша илгарилаб боришимизда беқиёс даражада хизмат қилаётган Ленин тили — рус тилини севмай бўладими?! Биз, деҳқонлар ҳам уни ўз она тилимиздек севамиз, ука-сингилларимиз, фарзандларимизни ҳам доҳий тилини янада чуқурроқ ўрганишга даъват этамиз.

Холбуви РУСТАМОВА,
КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Пахтакор районидаги Ульянов номли совхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

ТИЛЛАР САРБОНИ

Сен борки,
Йўл ёрқин,
Қуёшга етар дастим.
Чин ўйим,
Обрўйим,
Дунё кўрар бўй-бастим,
Рус тилим —
Ўз тилим,
Орзуларим нарвони!
Тонг каби
Соз таъбим —
Сен, эй, тиллар сарбони!
Сен — Герцен,
Пушкин — сен,
Сенда Горький сўзлаган,
Сен ёқлаб,
Кўп халқлар
Топиб олди ўзлигин!
Бахтимсан,
Шаҳдимсан,
Ленин бобом тилисан!
Сен — ҳурлик,
Сен — бирлик,
Эрк, деганлар дилисан,
Рус тилим,
Ўз тилим!

Йўлдош СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ЗАКОВАТ МУЛКИ

Ақл-идрокимизга зиё берган тил бу

Темур ПУЛАТОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати



Аксар бухоролик ва самарқандликлар сингари менинг болалик йилларим ҳам икки қардош — ўзбек ва тожик тилларининг жонли иқлимида кечди. Илк дафъа қулоғимга чалинган биринчи сўз, бешигим устида айтилган илк кўшиқ — «Алла» ҳам мана шу тилларда куйланган эди. Эҳтимол, шунинг учундир, вазмин ва жасоратли оҳангларга тўлиқ ўзбек тили латиф ва мусиқий тожик тили билан ажиб уйғунликда, бир-бирини тўлдириб, тасаввуримда дунёни яхлит бир бутунликда гавдалантирди.

Одатда, Бухорода кўпрок аёллар тожик тилида сўзлашади. Уйда, ичкарида улар бир-бирига бемалол ҳасратларини ёради, рўзғору болачақа ташвишларидан сўзлаб, кўнгил ёзишади. Эркаклар эса қош қораяётган пайт дарвозалари олдидаги ўриндиқларга тўпланишиб, хотиржам ва босиқ, ўзбек тилида гурунглашар, улар немис ишчиларининг ғалаёни-ю, Африка мамлакатларидаги қурғоқчилик, қаҳатчилик сингари бирмунча «жаҳоний» масалаларни муҳокама қилишар эди... Бора-бора учинчи тил — рус тили шууримга сингди ва қарор топди. Илк дафъа русча сўзларни яродорлардан, учқуйруғи йўқ рус заминидан, аниқроғи, жанг майдонларидан тўппа-тўғри Бухорога эвакуация қилинган яродорлар оғзидан эшитган эдим.

Уйимиздан жиндак нериданги педагогика техникумининг ҳозирги қўшқаватли биносида ўша пайтлар ҳарбий госпиталь жойлашган. Биз — ҳар нарсага қизиқувчи бухоролик кичкинтойлар кунда шунда эдик. Солдатларни томоша қилсак, деб лороху-куйинди ҳиди анқиган шинелларга қўл теккизиб кўрсак, деб ва мабодо, улар ўруш сўқмоқларида отамизга, акаларимизга дуч келмаганмикин?! — шуни сўраб билсак, деб госпиталга югурганимиз югурган эди.

Яродор аскарлар билан анчайин совға-салом олиш-бериш қилардик. Улар киндик қонлари томган Ленинграду Смоленск, Воронежу Новгород шаҳарларининг манзаралари солинган расмлар ҳадя этишса, биз ҳам ўзимизга яраша совға инъом қилар эдик. Шундай қилиб, рус тили шууримга сездирмай кириб келди. Тағин фавқулодда, жасорат ва матонат каби юксак ҳамда олижаноб тушунчалар ҳукм сурган ҳарбий шароитда, биз, ҳаёлий баҳодирлар, қаҳрамонлар, деб билган аскарлар воситасида кириб келди.

Ниҳоят, мактабга бориш фурсати етди. Шунда шаҳримиздаги биринчи большевиклардан бўлмиш отам, халқ ўқитувчиси: «Бизнинг—ўғил русча мактабга боради, — деди узил-кесил. — Егоров қанча нарсани билса, у ҳам шунча нарсани ўрганади».

Отамнинг дўсти — ветеринария врачи Егоров ҳақида аввал ҳам эшитгандим, у Кармана (ҳозирги Навоий) районида ишлар эди. Егоровнинг олам-жаҳон нарсани билиши отамни ҳайратга соларди. Чексиз фалак қўйнида ёки тубсиз океан қаърида не синоатлар содир бўлмоқда? — Егоров бундан хабардор эди. Областда бир неча йил ишлай туриб, у бухороликларнинг турмуши-ю урф-одатларини, тилимизни пухта ўзлаштирган, завқи келса, ўзбегу тожик халқларининг қўшиқларини нафосат билан куйлаб қолар эди. У қўққисдан бизникига отда кириб келарди, кийимлари бежирим, кўзлари тийрак. Қисқа муддатда у шундай таассурот қолдириб кетардики, уй ичимизда анчагача гап-сўз бўлиб, «ўрис мулла», деб уни эслашиб юришарди...

Уша пайтлар, табиийки, бир кун келиб рус тили ижод тилимга айланишини, тақдиримни белгилашин билмас эдим, шукроналар бўлсинким, шу тил орқали бутун бир дунёни англадим.

Талабалик кезларим пинҳона илк қиссамни ёздим. Отам буни пайқади чоғи, ўқтин-ўқтин ҳазиллашганнамо онамга: «Афтидан, ўғлимиз мушкул бир ишнинг уддасидан чиқмоққа уринаётир», деб қўяр эди. Шунда ҳам сир бермасдим, ёзганим анчайин жўн чиқиб қолса-я, деб чўчирдим.

Алқисса, қисса эълон қилинди. Шунда отам: «Ёзаётганингни-ку фаҳмлардим-а, — деди. — Бироқ учала тилнинг қайси бирида ижод қилаётганийкин, деб ўйлардим. Табиийки, ўзбек ё тожик тилида ёзсанг, улкан дунёга кириб боришинг учун ўртада воситачи лозим бўлар эди. Рус тилида эса кенг йўл...»

Ҳа, шундай. Эҳтимол, отам назарда тутган воситачи, яъни таржимон асарларимни русчага ўгирганда, ҳозир китобларим таржима қилинган мамлакатлар китобхонлари билан мулоқотда бўлиш учун анча кутишга тўғри келармиди?!

Гапнинг индаллосини айтганда, ўз-ўзимга таржимон, ўз-ўзимга воситачиман. Онам бешигимни тебратаётиб, Алла айтган тил — ўзбек ва тожик тиллари жисмимнинг бир бўлагидир, ахир у шууримда, қонимда яшайди. Ва мен қоғозни қоралай бошлаган ҳамоно бу туғишган тилларим услубимга жило, ўзгача ранг ва бетакрор оҳанг бахш этади.

Ибн Сино, Ҳайём, Беруний ва Навоийлар қатори Ломоносов, Циолковский, Толстой ва Достоевскийлар ижоди менинг тасаввуримни бойитди. Биргина Достоевскийнинг улкан дунёси кўпчилик француз ҳамда немис адибларининг бахри бадииятини жо этганлигини ва у ялпи инсоний маънавий маданиятига таъсир ўтказганлигини англагунимгача анча чет эл адиблари асарларини такрор ва такрор мутолаа қилдим...

Англиялик адабиётшунос-профессор-у, норвегиялик ҳамда немис таржимонлар билан суҳбатлашишга тўғри келди. Шунда профессионал одатимга кўра, зийреклик билан уларни тинглаб, турфа тиллар оҳангини таққослаб кўрдим. Мабодо, эҳтиёж туғилса-ю, менга: «Сўзлашгани ва ижод қилгани юзлаб тиллар ичидан истаганингни танлаб ол!» дейишса, мен ҳеч иккиланмай, яна вазмин ва жасоратли оҳангларга тўлиқ ўзбек тилини, латиф ва мусиқий тожик тилини, серимкон ва жавоҳирлар хазинасига қиёслагулик рус тилини танлаган бўлур эдим.

Тил снёсати соҳасидаги яна бир бошқа муҳим масала бизнинг кўпмиллатли мамлакатимизда терминларни тартибга солиш, унификациялаш ва стандартлаш билан боғлиқдир. Совет ҳокимияти йилларида қарийб 70 тилда терминология пухта йўлга қўйилди. Бу эса бизнинг катта ютуғимиздир.

Шуни айтиш керакки, илм-фан ҳатто жаҳон миқёсида ҳам тилни унитарлаштиришга интилади. Бизнинг ягона ва кўпмиллатли давлатимиз шароитида эса буни албатта ҳисобга олмоқ лозим. Бунда энг муҳими миллий терминологияни унификациялаш ишларини аниқ мақсадни кўзлаб ва собитқадамлик билан олиб боришдир. Унификациянинг моҳияти турли миллий тилларда ифодаланадиган техника тушунчаларини қиёслаштиришга эришишдан иборат. Бу ўринда шуни айтиш керакки, ЮНЕСКО маълумотларига кўра рус тилини билиш дунёда мавжуд бўлган ахборотларнинг учдан икки қисмини тушунишга кенг йўл очади. Бизнинг назаримизда рус терминология системаси фан-техника соҳасида жаҳондаги ҳамма ахборотни қамрашга қодирдир.

Рус терминологиясида ва термин системаларида ишланган тушунчалар асосида тушунча фондини унификация қилиш миллий терминологияларни бекор этмайди, балки уларни тартибга солади, миллий тил шаклини сақлаб қолган ҳолда унификация қилади. Мамлакатимиз миқёсида терминологиянинг интернационаллашуви миллий тиллар билан бир қаторда рус терминологиясини ўрганиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 61 йиллигига қадам қўйдик. Инсоният тарихида биринчи марта ягона кўпмиллатли совет маданиятини барпо этганлигимиз ва бу маданият ўз ичига беғубор мамлакатимизда яшовчи катта ва кичик халқларнинг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб, тобора бойиб бораётганлиги билан фахрланамиз.

Совет Иттифоқининг тил қурилиши соҳасидаги тажрибаси ҳар қандай ижтимоий-снёсий муҳитга кўр-кўрона жорий этиладериши мумкин эмас. Уни синфий ва миллий проблемаларни фақат марксча-ленинча асосда ҳал этиш туфайлигина амалга ошириш мумкин.

Буржуа идеологлари кейинги вақтларда тил соҳасидаги совет снёсатига ҳужумларини кучайтириб, бу снёсатни «руслаштиришда» айбламоқдалар. Чет эллик советшунослар, снёсатдонлар ва тилшунос социологлар ўзларини кичик халқлар деб аталган халқлар тилларининг «ҳимоячилари» қилиб кўрсатишни, айниқса, ёқтираднлар. Мамлакатимизда Ленин планига мувофиқ амалга оширилаётган давлат қурилишининг бутун тажрибаси уларга берилган ишонарли зарбадир. Ўз моҳиятига кўра халқларнинг кичик ва катта халқларга бўлинишини соқит қилувчи мазкур ленинча планнинг гениаллигини эса шундан иборатки, иттифоқ давлатчилигини мустаҳкамлаш миллий давлатчиликни чеклаб қўйиш у ёқда турсин, балки, аксинча, уни барча соҳаларда, шу жумладан тил соҳасида ҳам ривожлантириш учун кенг имконият яратиб берди.

Ҳозирги шароитда социалистик маданиятнинг идеологик таъсири билан боғлиқ масалалар комплекси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Маданий алоқа ва ўзаро бойитишнинг кенг қамровли жараёнида тарбия, идеологик ва маънавий таъсир ўтказишнинг барча воситаларининг роли тобора ошиб бораверади. Маънавий бойликларни прогрессив айирбошлашда эса рус тилининг роли ғоят каттадир. Рус тили халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашда, уларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашда муҳим омилдир.

Г. В. СТЕПАНОВ,
академик, СССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг директори.

Тошкент политехника институтида ҳозирги кунда 30 мингдан ортиқ йигит ва қиз таълим олмоқда. Булар орасида Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 40 мамлакатидан келиб ўқиётган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг билим чўққиларини эгаллашларида рус тили катта ёрдам бермоқда. Шунинг учун ҳам улар рус тилини ҳар доим қунт ва сабот билан пухта эгаллаб олмоқдалар. Суратда: рус тилини ўрганиш машқида.

Б. Юсупов фотоси. (ЎзТАГ).

ИНТИЗОМ — ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

«Правда Востока»га хат

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг интизомни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қароридан кейин ҳамма жойда меҳнат коллективларида зарур тартиб ўрнатишга киришилди.

Яширишга ҳожат йўқ, сўнгги йилларда меҳнат интизоми бўшашиб кетди, шу билан бирга бурч, масъулият, вазифа, коллективнинг шон-шарафи каби тушунчалар ҳам ўз ўткирлигини йўқотди.

Киши ишга кеч қолди — индашмади. Иккинчи марта кеч қолди — яна индашмади. Ишга кечикиш одатга айланиб қолди.

Сўнгги вақтда 5—10 минут кеч келишни кечикиш, меҳнат интизомини бузиш деб ҳисобламас эдилар. Албатта, кеч қолган кишининг иш жойида минутларнинг бекор ўтиши — денгиздан томчи, холос. Лекин корхона бўйича бундай томчилар тўпланса қанча бўлади? Шаҳар бўйича тўпланса-чи? Республика бўйича йиғилса-чи? Бу жуда катта исрофгарчиликдир.

Биз интизомни бузишнинг бир турини — ишга кеч қолишни тилга олдик, холос. Лекин интизомнинг маъноси кенг. Уни фақат кечикиш ва прогулга олиб бориб тақаш — партия биздан талаб қилаётган масалаларни тушуниб етмасликдир.

Бизнинг шаҳримизда баъзи жойларда интизом тушунчасини торайтиришга уриниб кўришди ва ҳатто интизом жиҳатидан ҳамма нарса ўз жойида деган гапларни қилишди, ишончли бўлиши учун январда ишга кечикканлар шунча бўлса, февралда шунча камайди деб фактларни ҳам келтиришди.

Каттақўрғон шаҳар ижроия комитетида бундай камчиликни сезишгач, депутатларни тўплаб, корхоналар ва муассасалар раҳбарлари, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари билан «думалоқ стол» атрофида суҳбат ўтказмоқчи бўлишди. Суҳбат гоят қизиқарли, самарали ва ибратли бўлди. Жуда кўп етилган масалалар интизом билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Интизом тўғрисида гапирганда ҳамиша интизомни бузувчи ўртага олинади: нега кеч қолдинг, нега деталин бузиб қўйдинг, нега ишга чиқмадинг деб қистовга олинади.

Лекин ҳаммаси учун интизомни бузувчи айбдорми? Маълум бўлишича, ҳамиша у айбдор эмас экан. Биз интизомни бузувчиларни ҳимоя қилаётганимиз йўқ. Биз бошқа нарса тўғрисида гапирямиз. Меҳнаткаш киши учун тегишли шарт-шароитни яратиб бермай туриб, ундан интизомнинг ҳамма қоидаларини сўзсиз бажаришни талаб қилиш унчалик адолатдан эмас. Бу проблемага бир томонлама ёндашишдир. Мисол учун республикадаги кекса корхоналардан бири — «Ҳурмат Белгиси» орденли пахта тозалаш заводини олиб кўрайлик. Бу ерда ҳамма нарса яхши, ўз жойида. Ишчиларнинг фарзандлари болалар боғчаларига тўла жалб этилган, корхонада маиший хизмат фабрикасининг пункти, саноат моллари ва озиқ-овқат магазинлари ишлаб турибди. Ишчиларни автобусларда олиб келиб, уйларига ҳам автобусларда олиб бориб қўйишади. Бу ерда душ бор. Пропуск хизмати яхши йўлга қўйилган. Бунинг устига яна нима керак?

Маълум бўлишича, яна кўп нарса керак экан. Масалан, яқин кунлар ичида бутун корхона тўла телефонлаштирилади, бу эса ишда оперативликни оширади ва бехуда югуришларга хотима беради. Ошхона ва чойхона, профилакторий қурилиши тугалланмоқда, корхона раҳбарлиги 48 квартирали уй-жой, 100 ўринли ётоқхона ва спорт зали билан бирга маданият саройи қурилишига маблағ ажратилишига ҳаракат қиляпти. Заводда меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш учун ана шундай ишлар қилиняпти ва қилинади.

Бу масалаларнинг ҳаммаси корхонада ишлаётган депутатларнинг контроли остидадир.

«Хлопкомаш» заводида ҳам меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилиняпти. Ҳамма цехларда меҳнат интизоми бўйича комиссиялар сайланган бўлиб, улар корхонада ҳар бир тартиб бузилиш ҳолини муҳокама қилади. Социалистик мусобақа тўғрисидаги шартноманинг янги шартларида интизомга алоҳида эътибор берилган. Чунончи, интизомни бузувчилар ўн учинчи маошдан қисман ва тўла маҳрум қилинишлари, отпускалари қиш вақтига кўчирилиши мумкин. Бу ишда халқ контроли группалари ва комсомол «прожекторчилари» иши ҳам активлашди.

Корхонада меҳнат ва маиший шарсит анча яхшиланди. Асосий ишлаб чиқариш корпуслари ситилди. Маиший хоналар ва душхоналар жиҳозланди. Сартарошхонанинг аёллар зали, кондитер магазини, омонат касса очилди. Бу масалаларнинг ҳаммаси депутатларнинг талаби ва актив иштироки билан ҳал этилди. Шаҳардаги энг йирик корхона ҳисобланган ёғ-мой комбинатида, бошқа меҳнат коллективларида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Биз хизмат кўрсатиш соҳаси муассасалари ва корхоналари ишини контрол остига олдик. Савдо, медицина хизматини яхшилаш, автотранспорт, маиший хизмат системаси ишларини яхшилаш чоралари кўрилди. Биз бир неча рейд ўтказдик, бир қатор камчиликларга дуч келдик ва бу камчиликлар шаҳар ижроия комитетида муҳокама қилинди.

Ҳозир ана шу муассасаларнинг ишида кўп нарса ўзгарди. Автобуслар аҳоли учун қулай бўлган график бўйича қатнамоқда, маиший хизмат фабрикаси, мактабгача болалар муассасалари, магазинлар ва поликлиникалар иш графиги ўзгарди, навбатчилик қиладиган магазинлар, дорихоналар пайдо бўлди. Хуллас, катта ўзгаришлар юз берди.

Меҳнат интизоми ҳамма жойда талаб даражасида бўлсагина катта самарага эришиш мумкин. Бу ишни бир ой ичида ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли интизом масалалари депутатлар томонидан доимий назорат остига олинди.

Шу сабабли биз «Правда Востока» саҳифасидан республикамиздаги барча депутатларга мурожаат қилишга қарор қилдик: интизом — депутатлар эътиборида бўлсин, депутатлар назорати остида бўлсин. Биз, халқ сайлаб қўйганлар, оз эмасмиз. Биз барча меҳнат коллективларида ишлаяпмиз. Агар ҳар биримиз ана шу муҳим ва зарур ишда актив иштирок этсак, ҳамма жойда депутат постлари ташкил этсак, албатта муваффақият таъминланади.

Л. КРАХМАЛЕВА, Н. НОРБОБОЕВ — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, В. КОМАРОВА, В. БОЛДАРЕВА, А. КОРОТИН, Ю. ЮСУПОВ, Н. КРЕТОВА, А. РАВШАНОВА, Н. КАБИРОВА, О. ЭРГАШЕВА, Ш. ЭШМУРОДОВ, Э. МУҚИМОВ, Р. БЎЛАТОВА, С. СУЛТОНОВА, С. КРАВЕЦ — шаҳар Совети депутатлари.

Каттақўрғон шаҳри.

1983 йил, 18 февраль.

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИГА — ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА

Колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлар, агросаноат комплексига кирувчи министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари, шу жумладан чорвачилик фермалари ва комплекслари учун техника, ускуналар ва бошқа моддий-техника воситалари бўйича

1984 йилга

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ



колхозлар, совхозлар, республика қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва сув хўжалиги, мева-сабзавот хўжалиги, ўрмон хўжалиги министрликларининг қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари «Главсредазирсовхозстрой» ҳамда бошқа министрлик ва идораларнинг ёрдамчи хўжаликлари 1984 йил учун заявкалар бериш масаласида ўша жойлардаги райсельхозтехника бирлашмаларига мурожаат қилишлари лозим.

Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си ва унинг жойлардаги органлари сизларни заявка билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, каталоглар, заявка, формалари, заявка тузиш бўйича методик кўрсатмалар билан таъминлайди, шунингдек хўжалик учун керакли машина, ускуна ҳамда моддий-техника воситалари учун йиллик заявкаларни тўғри тўлдиришингизда яқиндан кўмаклашади.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари!

ЗАЯВКАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАҚДИМ ЭТИНГ!

Улар ҳисоб китоб ишлари учун тўғри бўлиши ва молиявий жиҳатдан таъминланган бўлиши шарт.

Заявкаларни диққат-эътибор билан тузинг!

Индустриал технологияга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялаштиришда қўл келадиган энг янги, замонавий техника ва ускуналарни буюртма қилишга айниқса алоҳида эътибор беринг!



ЭСЛАТМА: хўжаликка зарур бўлган техника ва ускуналар оқилона танлаб олинса, бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги техника тараққиётининг юксалишига, ишлаб чиқаришнинг тобора ўсишига пухта замин ҳозирлайди.

Заявкаларни тақдим этиш муддати — 1983 йилнинг 1 мартигача.

СПОРТ

ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

ЯКУНЛОВЧИ БАҲСЛАР

Чимён спорт комплексида «Дўстлик» совғани учун ўтказилаётган халқаро турнир иштирокчилари кеча сўнгги марта стартга чиқдилар. Бунда йигитлар ўртасида слалом бўйича баҳслар бўлиб ўтди. Ўтган куни эса чангичи қизлар слалом бўйича ўзаро курашган эдилар. Қиялик бўйлаб марра сари интилишда бу сафар совет спортчилари маҳорат кўрсатдилар. Чунончи Лариса Фомичева дастлабки уринишда 51 дарвоза оралаб ўтишни ўрнига қўйди. У маррагача 41,49 секунд сарфлади. Такрорий учишда унинг натижаси 52,16 секундни ташкил этди. Шундай қилиб Лариса шахсий ҳисобда ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Унинг командадошлари Ольга Логинова билан Елена Ковалевалар фахрли иккинчи ва учинчи ўринларга кўтарилишди.

МАРРАЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

▲ **ХОККЕЙ.** Яна икки турдан кейин биринчи лига командалари ўртасида мамлакат чемпионати якунланади. Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги учрашувни ўз майдонида ўтказди. Пермнинг «Молот» коллективи билан учрашувдан (1:2, 2:3) кейин бинокорчилар ҳисобидаги очколар 47 тага етди.

▲ **ВОЛЕЙБОЛ.** Аёллар олий лига командалари ўртасида иккинчи давра ўйинлари бошланди. Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари Москвада «Политехник» (Челябинск) коллективи билан учрашиб (2:3), имкониятни бой беришди.

▲ **ФУТБОЛ.** Қурьа ташлаш билан СССР кубоги учун курашнинг 1/16 финалида иштирок этувчи айрим командаларнинг учрашувлари аниқланди. 24 февралда СКА (Р) — «Динамо» (Мн), «Нефтчи» — ЦСКА, «Нистру» — «Торпедо» (К), «Шахтёр» — «Жальгирис», «Пахтакор» — СКА (Хабаровск) коллективлари майдонга тушадилар.

БАХТЛИ НОМЕРЛАР

19 февралда бўлиб ўтган «Спортлото» 8-тиражининг натижалари:

«49 дан 6» — 1, 2, 34, 36, 38, 48.

«36 дан 5» — 10, 15, 16, 25, 30.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Совет Иттифоқининг техникавий ёрдамида бунёд этилаётган Хоабинь гидроузели қурилишининг муҳим босқичларидан бири муваффақиятли тугалланди.

СУРАТДА: Вьетнамлик ва совет мутахассислари ўзанни тўсиш пайтида.

ВИА — ТАСС телефотоси.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● БЕРЛИН

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Прагадаги Сиёсий декларацияси тарихий аҳамиятга молик программавий ҳужжатдир. Декларацияда баён этилган таклифлар қуролланиш пойгасига қарши, Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро қуролини жойлаштириш режаларига ҳамда Америка маъмурияти ўтказаётган ядровий урушга тайёргарлик сиёсатига қарши кураш олиб бораётган миллионлаб кишиларнинг эзгу умидларини кучайтиради, деди ГДР Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Геральд Геттинг.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар амалга оширилишига интилаётган қатъий вазифа ядровий қуролланиш пойгасига чек қўйиш, қуролсизланиш манфаатлари йўлида конкрет ишларни амалга оширишдан иборатдир.

● ВАШИНГТОН

Пентагоннинг Канада территориясида қанотли ракеталарнинг энг янги намуналарини синаш мақсадида учириб кўриш режалари қуролланиш пойгасида яна бир хатарли қадамдир, деди ҳарбий проблемалар билан шуғулланувчи нуфузли ахборот марказининг вакили Стэн Норрис ТАСС мухбири билан суҳбатда. Р. Рейган маъмурияти вазнсизлик ва қурол-яроғни чеклаш хусусида битим тузишга эришишга интилиш ўрнига аксинча, оммавий қирғин қуролларининг энг янги турларини вужудга келтириш жараёнини ҳар қандай йўллар билан кучайтирмоқда.

● ДЕҲЛИ

Ҳиндистон пойтахтида «Химия саноати — 83» халқаро виставкаси иш бошлади. Виставкада жаҳондаги 20 дан кўп миллат, шу жумладан Совет Иттифоқи экспозицияси намойиш этилмоқда. Стендларга нефть, кўмир, ва ҳом ашёнинг бошқа турларини қайта ишлашда, турли синтетик материаллар, каустик сода олишда фойдаланиладиган машина-механизмларнинг намуналари қўйилган.

Виставкани Ҳиндистон президенти Заил Сингх очди. У совет бўлимидаги экспонатларни, совет олимларининг нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш соҳасида эришган ютуқларини катта қизиқиш билан кўздан кечирди. Президент бу тармоқдаги Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигини янада ривожлантириш имкониятларини уқтириб ўтди.

● ТОКИО

1982 йилда Японияннинг АҚШга пўлат экспорт қилиши қарийб учдан бир баравар қисқарди. Япония чўян ва пўлат уюшмасининг хабар қилишича, шу давр ичида пўлатни океан нарёғига етказиб бериш камида 4 миллион тоннадан кўпни ташкил этди. Бу эса сўнгги ўн йил ичида энг паст кўрсаткичдир. Америка экономикаси бошидан кечираётган чуқур танглик экспортнинг пасайишига асосий сабаб бўлмоқда. (ТАСС).

Н. Шави вафот этди

БАЙРУТ, (ТАСС). Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Ливан Коммунистик партиясининг раиси Никола Шави бу ерда 71 ёшида тўсатдан вафот этди.

Ливан Компартияси Марказий Комитети Н. Шавининг вафот этганлиги тўғрисида хабар қилиб, унинг номи Ливан республикасининг тарихига, Ливан халқининг мамлакат бирлиги, мустақиллиги ва территориал бутунлиги учун, империализмнинг фитналарига қарши кураши йилномасига абадий ёзиб қўйилганлигини таъкидлади.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Ливандаги агрессия қўламини кенгайтиришга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқда. Кейинги пайтларда Бекаа водийсига жанговар техника ва қурол-яроғ, ҳарбий бўлинмалар кўплаб ташланмоқда, у ерда катта-катта ўқ-дори ва асбоб-анжом омборлари барпо этилмоқда, ҳарбий аҳамиятга молик йўллар қурилмоқда. Босқинчилар кейинги кунлар мобайнида водийнинг шарқий секторида ҳақиқий отишмалар қилиб, катта-катта ҳарбий машқлар ўтказдилар. Оғир танклар, тўплар, механизациялашган бўлинмалар ҳужум қилиш ҳаракатларини пишиқтирди, авиация эса жанговар позициялар ва аҳоли пунктларига ҳужумлар қилиб кўрди.

Агрессорлар Ливан ва Фаластин тинч аҳолисига нисбатан бедодлик кампаниясини давом эттирмоқда. Сайда, Тир, Ал-Бира, Айн ал-Хильва районлари ва бошқа аҳоли пунктларида тинтув ўтказилди, қишилар қамоққа олинди. Босқинчилар фаластинлик қочоқларнинг Айн-ал Хильвадаги лагерини ўраб олиб, у ерда фаластинликлар маҳалласини вужудга келтирмоқдалар. Жанубий Ливандан ўнлаб оилалар шу ерга кўчириб келтирилмоқда.

Жанубий Ливанда Исроил армиясининг ёрдами билан майор Хаддад сепаратчиларининг ҳарбий кучлари кўпайтирилмоқда. Унинг қуролли отрядлари Сайда, Хасбайя, Набатияни, бошқа ўнлаб аҳоли пунктларини ишғол этди.

Ливаннинг ижтимоий ва сиёсий доиралари Тель-Авив босиб олган жанубий районларни Хаддад отрядларининг назоратига ўтказиб Ливанни бўлишни амалга оширишга киришди, деб таъкидламоқда.

ҚИРҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Америка инструкторларидан таълим олган Сальвадор ҳарбийларининг мамлакат тинч аҳолисига нисбатан қилган қирғин сиёсати тобора шафқатсизлик тусини олмоқда. Матбуот ва ахборот агентликларининг Сальвадордан бераётган хабарларига қараганда, режимнинг ҳарбий ҳаво кучлари ватанпарвар кучлар билан босқинчилар қўшинлари ўртасидаги жанговар ҳаракатлар районига жойлашган қишлоқларга фосфорли бомбалар ташламоқда. Масалан, Сальвадор ҳарбий ҳаво кучларининг тўртта самолёти Гуасап вулқони чекка-ларидаги аҳоли пунктларига ҳужум қилиб, ҳимоясиз аҳолига фосфорли бомба ташлаган. Лос-Кантонес қишлоғидан 12 яшар Беатрис Аревало қуйиб ўлган, кўплаб бошқа деҳқонлар оғир жароҳатланганлар ва куйганлар.

ЯНА «НЕССИ» ТЎҒРИСИДА

ЛОНДОН, (ТАСС). Афсонавий Лох-Несс махлуқи «Несси»нинг бор-йўқлиги тўғрисидаги баҳс кўп йиллардан бери давом этмоқда. Ўтган йилнинг ёзида Шотландиядаги Лох Несс кўлида бўлган махсус экспедициянинг доклади бу ерда эълон қилинди.

Англия олимлари группаси энг янги ультратовуш локаторлари ёрдами билан кўл сувини зондлашга тўрт ойдан кўпроқ вақт сарфлади. Шу вақт ичида у Лох-Несс сувининг кўлда яшайдиган одатдаги балиқ учун анча катта чуқурликда ҳаракат қилган йирик объектни 40 марта пеленгласга муваффақ бўлди. Жумладан, объектнинг ҳаракати чучук сувнинг йирик балиқлар яшамайдиган 68 метрдан 114 метргача чуқурликларда бир неча бор қайд этилди.

Биз «махлуқ»ни кўролмаган бўлсак-да, деди экспедициянинг раҳбари А. Шайн, магнитофон плёнкасига ёзиб олишга муваффақ бўлдик. Ундаги ғалати товушларни тадқиқ этиш — уларни аллақандай номаълум ҳайвон чиқаради, деб тахмин қилишга асос беради. Бундан ташқари кўлда ўтказилган кўпдан-кўп тажрибалар ўша «махлуқ» чўкиб кетган дарахтларнинг чириган танаси бўлиб, ўзида йиғилиб қолган газларнинг тазйиқи остида сув тубидан шовқин солиб кўтарилиши тўғрисида тарқалган назариями тасдиқламади, деб таъкидлади у. «Несси»нинг борлигига қарийб аминмиз, деди А. Шайн. Буни исбот қилиш учун янги экспедиция юборамиз. Бу экспедиция шу йилнинг ёзида Лох-Несси тадқиқ қилишни давом эттиради.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 10.10 — Будильник. 10.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.40 — Здоровье. 12.25 — Тонгги почта. 12.55 — Қишлоқ янгиликлари. 13.55 — Музикали киоск. 14.25 — Илмий-оммабоп фильм. 14.45 — Фильм-спектакль. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.40 — Улуғ Ватан уруши ветеранларининг хатлари асосида музикали кўрсатув. 18.40 — Мультфильмлар. 19.45 — Халқаро панорама. 20.30 — Саёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05 — Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. 22.35 — Тўпли хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 23.20 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Ов ҳақида ҳикоялар. Ҳужжатли фильм. 10.55 — Қўшиқдан рақсга. 11.25 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 13.25 — Концерт. 13.55 — Мўъжизасизмўъжизалар. 14.50 — Ғолиблар. 16.15 — Мухбирларимиз ҳикоя қилаётилар. 16.45 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 17.30 — Стадион ҳамма учун. 18.00 — Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. 18.45 — Сарсонлик саргардонликда. Бадиий фильм. 3-серия. 19.55 — Концерт. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Чанги спорти бўйича халқаро мусобақалар. 21.30 — Время. 22.05 — Оилавий тантана куни. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Қизил елканлар. Бадиий фильм. 11.35 — Тошкентнинг 2000 йиллигига. 12.05 — Спортландия. 13.25 — Кинопублицист экрани. 14.10 — Ўзбекистон спорти. 14.40 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.20 — Реклама. 17.30 — Мультипанорама. 18.45 — Цирк. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм. 23.40 — Тоғ чанги спорти бўйича «Дўстлик» халқаро мусобақалари.

15.30 — Қирғизистон телевидениесининг программаси

21 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 11.40 — Ҳайвонот оламида. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Концерт. 16.45 — Бутунжаҳон студентлар ишки ўйинларида 17.15 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Сиз яратган бог. 18.45 — Фортепьяно дуэти. 19.00 — Мультфильмлар. 19.25 — Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат. 19.55 — Концерт. 20.25 — Полигон. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Полигон. Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Спорт ҳафталиги.

МОСКВА-II. Мазкур программада соат 9.00 дан 16.45 гача профилактика. 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 19.20 — Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. 19.55 — Чанги спорти бўйича халқаро мусобақалар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.25 — Хоккей. «Трактор» — ЦСКА. 23.00 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 17.55 — Пионерлар мамлакатида. 18.25 — Ешлик. 18.55 — Манзарали фильм. 19.05 — Илғор тажриба мактаби. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. Навоий лирикаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Назм ва наво. Навоий лирикаси (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Оталар изидан борар солдатлар. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — Олий математика. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчи экрани. 20.50 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

20 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Концерт. 9.15 — Табассум. 11.30 — Сиҳат-саломатлик. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Ишлаб чиқариш илғорлари. Сизлар учун. 14.00 — Табаррук замин. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.25 — Музикали салом. 18.15 — Ўзбек спортининг пешқадамлари. 18.30 — «Гўзал» ансамбли солистларининг концерти. 19.25 — Ешлик. 21.00 — Халқ контроли амалда. 21.10 — Оталар ибрати. 22.30 — Лирик музикали программа. 23.10 — Тоғ-чанги спорти бўйича «Дўстлик» халқаро мусобақалари.

21 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Чолғу куйлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Публицист минбари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Фурқат кинофильмидан куйлар. 19.25 — Музикали танаффус. 21.00 — Шу куннинг муҳим сиёсий воқеалари. 21.10 — Инсон. Меҳнат. Поэзия. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС
700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. — 06102. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 43. 10